

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ ИЛМ САФАРЛАРИ ВА АСАРЛАРИ

Бакиров Бегзод Машираббоевич

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 3-курс докторанти

+998-88-130-4000, @begzod271284@gmail.com

“Фасоҳат илмининг султони”, “Устози дунё”, “Устозул араб вал ажам”, “Хоразм фахри”, “Жоруллоҳ”, “адиблар каъбаси” Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад (баъзи манбаларда Аҳмад) 1075 йил 19 март (ҳижрий 467 йил, Ражаб ойининг 27-куни Чоршанба куни) Хоразмнинг Замахшар қишлоғида зиёли оилада дунёга келади. Қуръон ўқиш ва ҳадислар илми каби дастлабки таълимни отасидан олади. Баъзи ривоятларга кўра отдан йиқилиб, оёғи қаттиқ жароҳат олади, натижада ёш Абул-Қосимнинг оёғини кесишга тўғри келади. Мадрасада ўқиб юрган кезлари араб тили ва адабиётини, диний ва дунёвий илмлар мажмуасини тўлиқ эгаллайди. Хаттотлик санъатини ҳам эгаллайди. Тафсир, ҳадис, фикҳ илми, қироат, араб тили ва адабиёти, луғат илми ва наҳв соҳасида мукаммал илм олишида дастлабки устози Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарийр ал-Даббий ал-Исфажонийнинг (1113 йили Марвда вафот этган) ўрни бор. Исфажонлик бу араб олими Маҳмуд Замахшарий қалбида араб тилига алоҳида муҳаббат уйғотди.

1075 йил 19 март: Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ҳижрий 467 йил, Ражаб ойининг 27-куни Чоршанба куни Хоразмнинг Замахшар қишлоғида зиёли оилада дунёга келди;

1109 йил: Аз-Замахшарий Бағдодга йўл олди;

1118 (512 хижрий) йил: Замахшарий оғир бир иллатга чалинади ва қанча азоб-уқубатларни бошидан кечириб тузалгач, энди мансаб дея ҳукмдорлар бўсағасини босмасликка оғир ичади ва мол-дунё таъмасидан мутлақо воз кечади, қолган умрини фақат илм-фанга бағишлаганга, шогирдлар етиштиришга бахшида этиб, асарлар яратишга астойдил қарор қилади [Абу-л-Қосим Маҳмуд Аз-Замахшарий. Нозик иборалар. (Шарҳлар муаллифи ва тарж. У. Уватов).— Т., «Камалак», 1992.— 80 б., 9-б];

1119 (513 хижрий) йил декабрь: Араб тили грамматикасига бағишланиб ёзилган “Ал-муфассал фи санъати-л-иъраб” (Флекция санъати ҳақида муфассал китоб) асар қисқача «ал-муфассал» деб аталиб, аз-Замахшарий Маккада яшаган пайтида—513—515 йиллар ичида ёзилиб (—1121 йилнинг март ойи) тугалланган.

1121 (515 хижрий) йил март: Араб тили грамматикасига бағишланиб ёзилган асари “Ал-муфассал фи санъати-л-иъраб” (Флекция санъати ҳақида муфассал китоб) аз-Замахшарий Маккада яшаган пайтида тугалланган. Асар бир

ярим йил давомида ёзилган. Кўпчилик олимлар ўз илмий қиммати жиҳатидан таниқли араб тилшуноси Сибавайхнинг (796 йили вафот этган) араб грамматикасига оид китобидан кейин иккинчи ўринда туради, деб таъкидлаганлар. Ўша даврнинг ўзидаёқ араблар орасида ҳам бу асар катта эътибор қозонган ва араб тилини ўрганишда асосий қўлланмалардан бири сифатида кенг тарқалган. Ҳатто Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо кимда-ким Аз-Замахшарийнинг ушбу асарини ёд олса, унга беш минг кумуш танга пул ва сарупо совға қилишни ваъда берган. Бир қанча кишилар асарни ёд олиб, мукофотга ҳам сазовор бўлганлиги манбаларда келтирилган. Бу эса аз-Замахшарий асарининг ўша даврда ҳам қанчалик юксак баҳоланганини кўрсатади;

1122-1123 (516 хижрий) йил: Араб тарихчиси ибн ал-Асирнинг ёзишича “Ал-фоиқ фи ғариби-л-ҳадис” (“Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар”) ҳадисларга бағишлаган асарини алифбо тартибида ёзган [Абу-л-Қосим Махмуд Аз-Замахшарий. Нозик иборалар. (Шарҳлар муаллифи ва тарж. У. Уватов).— Т., «Камалак», 1992.— 80 б., 29-б];

1128 (523 хижрий) йил: Дамашқдан чиқиб, Маккага етиб боради ва уч йил мобайнида Маккада яшайди. Ибн Вахҳос бу сафар аз-Замахшарийни илиқ қарши олиб, унга ғоятда зўр иззат-икром кўрсатади [Абу-л-Қосим Махмуд Аз-Замахшарий. Нозик иборалар. (Шарҳлар муаллифи ва тарж. У. Уватов).— Т., «Камалак», 1992.— 80 б., 10-б];

1132-1134 йил: Аз-Замахшарий ижодида муҳим ўрин эгаллаб, илм-фан оламида кенг танилган, Қуръони Каримга бағишланган машҳур тафсир “Ал-Кашшоф” асари Маккада турган пайтида уч йил давомида ёзилган;

1134 (528 хижрий) йил: Энг муҳим асарларидан бири ҳисобланадиган, ҳажм жиҳатидан жуда катта бўлган, асарда илм-фаннинг турли масалалари билан бир қаторда одоб-ахлоқ ва тарбиявий ҳарактерга эга бўлган қимматли маълумотлар ўрин олган “Рабий ул-аброр ва нусус ул-ахбор” (“Эзгуликлар баҳори ва хабарлар изҳори”) асарини Маккаи мукаррамада Қуръони карим тафсирига бағишланган “ал-Кашшоф” номли асарини ёзиб тугатгандан кейин ёзган. Асар таркибий жиҳатдан 92 бобдан иборат [Проф.С.Каримов, Ўқит.С.Абдувоҳидов, Махмуд аз-Замахшарий илмий меъросининг ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда фойдаланиш];

1137 йил: «Муқаддимат ул-адаб» («Адабиёт муқаддимаси») йирик асарини ёзган бўлиб, аллома бу асарда ўз давридаги араб тилининг истеъмолда бўлган қатор сўз ва ибораларини жамлашга ҳаракат қилган, уларнинг этимологияси ҳақида қимматли маълумотлар берган. Асар беш бўлимдан иборат бўлиб, унда сўзлар исм (от), феъл, боғловчи, от ўзгаришлари (отларнинг турланиши) ва феъл

ўзгаришларига (феълларнинг тусланишига) бўлинади ва ҳар бир бўлим ҳақида алоҳида фикр юритилади;

1139 (533 хижрий) йил: Ибн ал-Қифтий шундай ҳикоя қилади: «Аз-Замахшарий Бағдодга, бизнинг ҳузуримизга 533 хижрий йилда келган эди. Мен уни икки марта устозимиз Абу Мансур ибн ал-Жаволиқийнинг ёнида (уйида) луғат соҳасидаги баъзи китобларни ўрганаётган пайтида кўрганман». Бу ҳол аз-Замахшарийнинг бутун умри давомида, ҳатто кексайган чоғида ҳам турли илмларни ўқиб ўрганганлигини кўрсатади [Абу-л-Қосим Махмуд Аз-Замахшарий. Нозик иборалар. (Шарҳлар муаллифи ва тарж. У. Уватов).— Т., «Камалак», 1992.— 80 б., 13-б];

1139 йил: Маккадан ватани Хоразмга қайтиб умрининг охиригача шу ерда яшади;

1144 йил 14 апрель (хижрий 538 йил): Буюк тилшунос аллома арафа кечаси вафот этади ва кўхна Урганчда дафн этилади.

“Навобиғу-л-калим” асари таржимаси

Махмуд Замахшарий илмий меросининг ажралмас қисми бўлган ахлоқшуносликка оид асарлар беқиёс аҳамият касб этади. Алломанинг бу соҳадаги асарлари сирасига унинг “Нозик иборалар” (“Навобиғу-л-калим”) асари киради. Ҳажм жиҳатидан кичик бўлган бу рисола нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам ахлоқшуносликнинг ажойиб манбаи сифатида эътироф этилади.

اللَّهُمَّ إِنَّ مِمَّا مَنَحْتَنِي مِنَ النِّعَمِ السَّوَابِغِ إِلَهُامَ هَذِهِ الْكَلِمِ النَّوَابِغِ

Эй Аллоҳ, ушбу беқиёс чуқур маъноли сўзу ибораларни илҳом қилишинг менга ато қилган фазлу марҳаматинг ва инъомларингдандир.

Убайдулла Уватовнинг “Нозик иборалар” китобида берилган таржимаси [Бундан кейинги ўринларда Убайдулла Уватовнинг таржималарини * _____ * белгилари орқали берилади.]: **Эй Аллоҳ! Ушбу (қалбимдан) сиртга балқиб чиққан нозик калимаю ибораларни менга инъом қилишинг, менга нисбатан файзинг ва иноятингни дариғ тутмаслигинг – булар ҳаммаси комил неъматларнинг туфайлидир.**

نَاطِقَةً بِكُلِّ زَاجِرَةٍ وَمَوْعِظَةٍ، حَائِثَةً عَلَى كُلِّ عِبْرَةٍ مُوقِفَةً

(Ушбу беқиёс чуқур маъноли сўзу иборалар) **барча (қалби) тўсқинлик қилувчиларга сўзловчи, ҳамма (ғафлатдан) уйғотувчи ибратларга ундовчи панд-насихатлар.**

كَأَنِّي أَلْقَيْتُ بِهَا مَجَلَّةً لُقْمَانَ، وَ أَصِفُ بِهَا حِكْمَةَ أَصْفِ سُلَيْمَانَ

Бу худди мен Лукмони (ҳаким) ўғитларини ўргатганимдек, улар билан Сулаймоннинг (алайҳиссалом вазири) Осафнинг ҳикматларини васфлаб бераман.

أَصَفُ – Осаф (атокли от) بَنُ بِرْخِيَا ~ Осаф ибн Бирихё (Довуд алайҳиссалом уни ибодатхонадаги китобхонларнинг каттаси этиб тайинлаган) [Ал-Қомус Арабча-Ўзбекча қомусий луғат, 1-жилд, 14-саҳифа]

وَ لَكِنَّ تَمَّةَ آذَانٍ عَنِ اسْتِمَاعِ الْحَقِّ مَسْدُودَةٌ، وَ أَذْهَانٌ عَنْ تَدَبُّرِهِ مَصْدُودَةٌ

Лекин бу ерда ҳақиқатни тинглашдан қулоқлар тўсилгандир, зехнлар эса тадаббурдан (тафаккурдан) воз кечилгандир.

Бу ерда ҳақиқатни тинглашдан қулоқлар тўсиб қўйилгандир. Яна мулоҳазаю зехнлар тадбиру тафаккурдан ман этилгандир.

وَ نَاسٌ لَهُمْ مَضْجَعٌ مِنَ الْغَفْلَةِ مَمْهُودٌ وَ يَقِلُّ فِي أَجْفَانِهِمُ السُّهُودُ، كَأَنَّهُمْ فُهِودٌ

(Шундай) одамлар борки, уларнинг ғафлат тўшаклари тўшалгандир, уларнинг қовоқларида (яъни кўзларида) эса қоплонлар каби уйқусизлик кам бўлади (яъни доим уйқуда бўлишади, уйқусизлик ҳолати кам бўлади).

Бир тоифа одамлар борки, уларнинг тўшаклари ғафлат бешикларига обдон белангандир. Уларнинг қовоқларида (яъни кўзларида) қоплонлар каби бедорлик оз (кам) бўлади.

سُهُودٌ (кўплиги سُهُودٌ) – уйқусизлик, уйқу келмаслик

فَهَبْ لَهَا مَنْ يَرِغَبُ فِي الْأَدَابِ السَّنِّيَةِ السَّنِّيَةِ، وَ الْعِظَاتِ الْحَسَنَةِ الْحَسَنَةِ، وَ يَهْتَرُ لِلتَّرْزِينِ بِمَا حَيْكَ مِنْ وَشِيهَا، وَ صَبِغَ مِنْ خَلِيهَا

(Ушбу нозик ибораларни) олий мақомдаги сунний одобларга ва Ҳасани (Басрий)нинг гўзал насиҳату ўғитларига рағбати борларга ва нақшлардан тўқилган, зеб-зийнатлардан ташкил этилган безакларга (қалби) титрайдиганларга тортиқ қилгин.

وَ خُذْ بِأَيْدِينَا إِلَى كَسْبِ مَا تُحِبُّ وَ تَرْضَى، وَ وَفِّقْنَا لِمُدَاوَاةِ هَذِهِ الْقُلُوبِ الْمَرْضَى

Ўзинг суйган ва рози бўлган нарсаларга етишишимиз томон бизни қўлимиздан тутиб етакла ва ҳаста қалбларга шифо бағишланишида бизни муваффақ қилгин.

Э Рабб, ўзинг суйиб ато этган нарсаларга етишувимизда бизни қўлимиздан тутиб етакла ва ҳасталанган кўнгилларга шифо бағишлаб, тузалишига йўл кўрсатиб, далолат бер.

إِنَّكَ أَقْرَبُ قَرِيبٍ وَ أَجْوَبُ مُجِيبٍ

Албатта, Сен яқинларнинг энг яқинисан ва (дуоларни) энг кўп ижобат этувчисан.

(Пайғамбарга мурожаат). Биздан кўра сен Аллоҳга яқинсан ва дуоларга энг кўп ижобат этгувчисан!

Фикримизча, бу мурожаат Пайғамбарга эмас, Аллоҳ таолога хитобдир, чунки дуоларни ижобат этувчи Зот ҳам Ўзи ҳисобланади. Қоф сураси, 16-оятда ҳам шундай маънодаги гап мавжуд: { وَ نَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ } Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз.

1 - السُّنَّةُ مِنْهَاجِي وَ مِنْهَا أَجِي

Суннат - менинг юрадиган ва ундан келадиган йўлим.

Муҳаммад пайғамбар алайҳиссаломнинг тутган йўллари менинг йўлимдир, бахту саодатим ҳам, нажотим ҳам шу йўлдир.

2 - عَيْنِي تَقَرُّ بِكُمْ عِنْدَ تَقَرُّكُمْ

Кўзим сизларнинг яқин бўлишингиздан, сизлар сабабли қувнайди.

Менинг кўзим фақат сизнинг яқин бўлишингиздан қарор ва тинчлик топадир, чунки ошиқ ва муҳиб ўз маъшуқасига яқин бўлмаса роҳат олиб шод бўлмайди.